

11-01/71-son

29 iyun 2025 yil.

"ТАСДИҚЛАЙМАН"



Вилоят ҳокими

Н.Т.Турсунов

**Вилоят ҳокимлигида ўтказилган аппарат йиғилиши
БАЁНИ**

2025 йил 27 июнь

Навоий шаҳри

Раислик қилувчи:

Н.Турсунов - вилоят ҳокими

Қатнашдилар:

Вилоят ҳокими ўринбосарлари, гуруҳ раҳбарлари, котибият мудирлари, шаҳар, туман ҳокимлари ва уларнинг ўринбосарлари, кун тартибидаги масалаларга алоқадор ташкилот ва муассаса раҳбарлари (рўйхат бўйича)

КУН ТАРТИБИ:

1. Ижро интизомини мустаҳкамлаш (*edo.ijro.uz.да назоратдаги ҳужжатлар, олдинги аппарат йиғилишларида ва “Халқ қабулхонаси”даги фуқаролар қабулларида берилган топшириқлар ижроси*);

2. Камбағалликни қисқартириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, маҳаллаларни ихтисослаштириш борасида берилган топшириқлар ижроси ва келгусида амалга ошириладиган вазифалар тўғрисида;

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳбарлигида жорий йилнинг 16 июнида ўтказилган йиғилишда берилган топшириқлар (*“Халқ қабулхоналари”да фуқаролар қабулини ўтказиш, маҳаллаларни ихтисослаштириш, галладан бўшаган майдонлардан камбағал оилаларга бўлиб бериш, муаммоли кредитларни қайтариш, бюджет ижроси, ўрмон ва яйлов ерларни ўзлаштириш, бўш турган бино ва ер участкаларини сотилиши*) бўйича **янги тизим асосида ишларни ташкил қилиш** тўғрисида;

4. Бошқа масалалар.

(Н.Турсунов, Р.Сулаймонов, Ж.Ходжаев, Э.Ғаффоров, Л.Хайруллаев, Қ.Ражабов, А.Муллажонов, Н.Атажанов, Д.Эргашев, В.Адизов, Б.Бобомуродов, А.Файзиев, А.Ўроқов, У.Адизов, Н.Турсунов)

Йиғилишда дастлаб, ижро интизомига риоя қилиш, хусусан Давлат Раҳбари ва Ҳукумат томонидан берилган топшириқлар ижроси муҳокама қилиниб, масъулларга тегишли кўрсатма ва вазифалар белгилаб берилди.

Хусусан, вилоят ҳокимининг ўринбосари (Ғаффоров), вилоят ҳокимлиги қурилиш масалалари котибияти (Ҳамидов)ларга уч кун муддатда “edo.ijro.uz” электрон тизимида назоратга олинган жорий йилнинг июнь ойида бажарилиши лозим бўлган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 4 та топшириқлари ижросини охирига етказиб, назоратдан чиқариш топширилди.

Вилоят ҳокимининг ўринбосарлари, таркибий бўлинма раҳбарларига алоқадор ташкилотлар билан биргаликда жорий йилнинг июль ойида назоратда бўлган топшириқлар (*Ижтимоий масалалар котибиятида 65 та, Иқтисодиёт масалалари котибиятида 53 та, Қурилиш масалалари котибиятида 48 та, Туризм масалалари котибиятида 17 та, Инвестициялар масалалари котибиятида 11 та, Қишлоқ хўжалиги масалалари котибиятида 9 та ҳамда ҳокимликнинг бошқа таркибий бўлинмаларида 15 та*) ижросини белгиланган муддатидан олдин таъминлаш ва назоратдан олиш чораларини кўриш вазифаси юклатилди.

Шунингдек, вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (Сулаймонов)га вилоят ҳокими ўринбосарлари, таркибий бўлинма раҳбарлари, тегишли вилоят ташкилотлари раҳбарлари иштирокида ҳафтанинг чоршанба ва жума кунлари “ijro.gov.uz” электрон тизимидаги Давлат Раҳбари ва Ҳукумат топшириқлари ижросини танкидий-таҳлилий муҳокама қилиб, топшириқларни барвақт ва сифатли тарзда бажарилиши бўйича зарурий чора-тадбирларни кўриш топширилди.

Шундан сўнг, камбағалликни қисқартириш ва бандлик дастурининг ижроси муҳокама қилиниб, вилоят ҳокимининг ўринбосарлари (Ғаффоров, Ҳикматов)га туман (шаҳар) ҳокимликлари билан биргаликда 2026 йил 1-ярим йиллик бўйича аҳолини даромадли меҳнат билан таъминлаш Дастурининг ижросини тўлиқ бажариш бўйича барча зарурий чораларни кўриш топширилди.

Вилоят ҳокимининг ўринбосарлари (Сулаймонов, Ҳикматов, Ходжаев), Хатирчи (Адизов), Қизилтепа (Бобомуродов) ва Кармана (Адизов) туманлари ҳокимларига беш кун муддатда ҳудуддаги камбағал оилаларга бириктирилган раҳбарлар томонидан камбағал оилаларнинг муаммоларини тўлиқ ҳал этиб, оилаларни камбағалликдан чиқариш бўйича хулосаларни тайёрлаш ишларини якунлаш юклатилди.

Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (Сулаймонов), Марказий банкнинг вилоят бошқармаси (Пардаев), Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бошқармаси (Хайруллаев)ларга оилавий тадбиркорлик дастури доирасида қўшимча жалб этилган имтиёзли кредитларни ҳақиқатда мухтож шахсларга, жумладан камбағал оилалар, ишсизлар ҳамда иссиқхоначилик ва паррандачиликка ихтисослашган маҳаллаларга йўналтириш чораларини кўриш топширилди.

Шу билан бирга, вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (Сулаймонов), Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бошқармаси (Хайруллаев)ларга туман (шаҳар) ҳокимлари билан биргаликда беш кун муддатда учинчи босқич бўйича камғал оилаларни раҳбарларга бириктириш бўйича аниқ таклифларни киритиш, бунда камбағаллик реестридаги 1854 нафар “қизил тоифа”даги оилаларга вилоят ҳокими, ўринбосарлари, вилоятдаги йирик ва салоҳиятли бошқармалар, ташкилотлар, туман (шаҳар) ҳокимлари ва ўринбосарлари, прокуратура, ички ишлар, солиқ идоралари раҳбарларини бириктирилишига алоҳида эътибор қаратиш вазифалари берилди.

Вилоятдаги камбағал оилалар ва ишсизлик юқори бўлган ҳудудларга бириктирилган йирик корхоналар (“Навоий Кон-металлургия комбинати” АЖ, “Навоийазот” АЖ, “Навоийуран” ДК, “Қизилқумцемент” АЖ, “Навоий ИЭС” АЖ) раҳбарларига жорий йилнинг 1 июлига қадар камбағаллик реестридаги камбағал оилаларни камбағалликдан чиқариш чоратадбирларини кўриш топширилди.

Кейинги масала сифатида Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳбарлигида жорий йилнинг 16 июнида ўтказилган йиғилишда берилган топшириқлар бўйича янги тизим асосида ишларни ташкил қилиш масаласи муҳокама қилинди.

Хусусан, шаҳар, туман ҳокимларига “Халқ қабулхоналари”да ўтказилаётган фуқаролар қабулида кўтарилган ҳар бир масалани назоратга олиб, масалаларга ижобий ечим топилишини, мурожаатчиларга жавобларни кечиктирмасдан юборилишини, ижрочилар томонидан сансоларликга йўл қўйилмаслиги, жавобларни асоссиз чўзиб юборилмаслигини кунлик назоратга олиш топширилди.

Вилоят ҳокими ўринбосари (Ғаффоров)га Иқтисодиёт ва молия бошқармаси (Раҳмонов), тегишли туман (шаҳар) ҳокимлари билан биргаликда хизматлар соҳасини ривожлантириш бўйича дастурлардаги ишга туширилиши кечикаётган 32 та, кредит ажратилиши чўзилаётган 50 та, инфратузилмага уланиш муаммоси билан боғлиқ 9 та лойиҳалардаги муаммоларни ҳал қилиш бўйича шахсан шуғулланиб, кунлик ишларни

назоратга олиш, ҳудудлардаги имкониятлардан келиб чиқиб, янги хизмат кўрсатиш лойиҳаларини шакллантириб, уларни белгиланган муддатларда ишга туширилиши бўйича кунлик мониторинг тизимини йўлга қўйиш юклатилди.

Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (Сулаймонов), Иқтисодиёт ва молия бошқармаси (Раҳмонов), “Ягона буюртмачи хизмати” ДУК (Турдиев)ларга бир ҳафта муддатда “Зарбдор тажрибаси” асосида йўлга қўйилаётган “драйвер лойиҳалар”нинг 8 тасини пудратчиси аниқланиши ва лойиҳаларда амалий ишлар бошланишини ташкил қилиш топширилди.

Зарафшон (Раҳманов) ва Навоий (Эргашев) шаҳарлари, Нурота (Файзиев), Хатирчи (Адизов), Қизилтепа (Бобомуродов) туманлари ҳокимларининг имтиёзли муаммоли кредитларни сўндириш бўйича олиб бораётган ишлари қониқарсиз эканлиги кўрсатиб ўтилиб, тегишли масъуллар ва ҳокимларга 89,5 млрд сўмлик имтиёзли муаммоли кредитларни сўндирилиши бўйича кунлик ишларни ташкил қилиб, сўров ва назорат тизимини жадаллаштириш топширилди.

Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (Сулаймонов), Давлат активларини бошқариш агентлигининг вилоят бошқармаси (Атажанов), шаҳар, туман ҳокимликларига давлат активлари ва ер участкаларини аукцион савдоларида сотилиши ҳамда ютиб олинган бинолар ва ерлардан самарали фойдаланиши бўйича алоҳида назорат ўрнатиб, амалга оширилаётган ишлар тўғрисида ҳар уч кунда вилоят ҳокимига ахборот бериб бориш белгиланди.

Вилоят ҳокимининг ўринбосари (Ҳикматов)га ўрмон хўжалигига тегишли 4,0 минг гектар ерларни аҳолига озиқ-овқат ва озуқа экинлари экиш учун аукцион савдоларига чиқариш масаласи бўйича республика Ўрмон хўжалиги агентлиги билан ҳамкорликда ишларни ташкил қилиш, чорвачиликни ривожлантириш бўйича 127 та янги лойиҳаларни шакллантириб, лойиҳа ташаббускорлари ва тижорат банклари билан ҳамкорликда “тармоқ жадваллари” ишлаб чиқилишини ташкил қилиш топширилди.

Вилоят ҳокими ўринбосари (Ходжаев)га камбағаллик реестридаги оилаларга ғалладан бўшаган майдонларга такрорий экин экишлари учун ер майдонларини ажратиб берилишини, уруғлик, шудгорлаш масалалари бўйича муаммоси бор фуқароларга амалий ёрдам бериш, Соғлиқни сақлаш (Сафоев), Мактабгача ва мактаб таълими (Ҳайитова) бошқармалари, туман (шаҳар) ҳокимлари билан биргаликда тиббиёт ва таълимда “долзарб 90 кунлик” тадбирларида белгиланган вазифаларни тўлиқ ижро этилиши, муаммоларни ҳал қилиб борилишини шахсан назорати остида бажарилишини таъминлаш топширилди.

Шунингдек, вилоят ҳокимлигининг кейинги аппарат йиғилишида шаҳар, туман ҳокимларининг Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳбарлигида жорий йилнинг 16 июнида ўтказилган йиғилишда берилган топшириқлардан келиб чиқиб “янги тизим асосида” ишларни ташкил қилиш юзасидан олиб бораётган фаолиятлари тўғрисида ҳисоботлари эшитилиши белгилаб қўйилди.

Йўл қўйилган камчиликлардан келиб чиқиб, барча даражадаги раҳбарларга ижро интизомини мустаҳкамлаш, кун тартибидаги масалалар юзасидан билдирилган фикр ва мулоҳазалар ҳамда мутасаддиларнинг ҳисоботларини инобатга олиб, йиғилиш

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Вилоят ҳокимининг ўринбосари (**Ғаффоров**), вилоят ҳокимлиги қурилиш масалалари котибияти (**Хамидов**) **уч кун муддатда** “edo.ijro.uz” электрон тизимида назоратга олинган жорий йилнинг июнь ойида бажарилиши лозим бўлган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 4 та топшириқлари ижросини охирига етказиб, назоратдан чиқарсин.

Назорати **Ш.Намозовга**.

2. Вилоят ҳокимининг ўринбосарлари, таркибий бўлинма раҳбарлари алоқадор ташкилотлар билан биргаликда жорий йилнинг **июль ойида назоратда бўлган топшириқлар** (*Ижтимоий масалалар комплексида 65 та, Иқтисодиёт масалалари комплексида 53 та, Қурилиш масалалари комплексида 48 та, Туризм масалалари комплексида 17 та, Инвестициялар масалалари комплексида 11 та, Қишлоқ хўжалиги масалалари комплексида 9 та ҳамда ҳокимликнинг бошқа таркибий бўлинмаларида 15 та*) ижросини **белгиланган муддатидан олдин таъминлаш ва назоратдан олиш** чораларини кўрсин.

3. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (**Сулаймонов**) вилоят ҳокими ўринбосарлари, таркибий бўлинма раҳбарлари, тегишли вилоят ташкилотлари раҳбарлари иштирокида **ҳафтанинг чоршанба ва жума кунлари** “ijro.gov.uz” электрон тизимидаги Давлат Раҳбари ва Ҳукумат топшириқлари ижросини танкидий-таҳлилий муҳокама қилиб, топшириқларни **барвақт ва сифатли тарзда бажарилиши** бўйича зарурий чора-тадбирларни кўриб борсин.

4. Вилоят Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бошқармаси (**Хайруллаев**) **уч кун муддатда** Навоий шаҳридаги мономарказда ўқиб чиқганлар бандлигини таъминлаш бўйича ҳаққоний ҳолатни таҳлил қилиб, натижаси бўйича маълумот киритсин.

5. Вилоят ҳокимининг ўринбосарлари (**Ғаффоров, Ҳикматов**), туман (шаҳар) ҳокимликлари билан биргаликда 2026 йил 1-ярим йиллик бўйича аҳолини даромадли меҳнат билан таъминлаш Дастурининг ижросини тўлиқ бажариш бўйича барча зарурий чораларни кўрсин.

6. Вилоят ҳокимининг ўринбосарлари (**Сулаймонов, Ҳикматов, Ходжаев**), Хатирчи (**Адизов**), Қизилтепа (**Бобомуродов**) ва Кармана (**Адизов**) туманлари ҳокимлари **беш кун муддатда** ҳудуддаги камбағал оилаларга бириктирилган раҳбарлар томонидан камбағал оилаларнинг муаммоларини тўлиқ ҳал этиб, оилаларни камбағалликдан чиқариш бўйича хулосаларни тайёрлаш ишларини якунласин.

7. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (**Сулаймонов**), Марказий банкнинг вилоят бошқармаси (**Пардаев**), Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бошқармаси (**Хайруллаев**) оилавий тадбиркорлик дастури доирасида **қўшимча жалб этилган имтиёзли кредитларни** ҳақиқатда мухтож шахсларга, жумладан камбағал оилалар, ишсизлар ҳамда иссиқхоначилик ва паррандачилик иxtисослашган маҳаллаларга йўналтириш чораларини кўриб, бу борада олиб бораётган ишлари тўғрисида **ҳар уч кунда** вилоят ҳокимига ҳисобот бериб борсин.

8. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (**Сулаймонов**), Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бошқармаси (**Хайруллаев**), туман (шаҳар) ҳокимлари билан биргаликда **беш кун муддатда** учинчи босқич бўйича камбағал оилаларни раҳбарларга бириктириш бўйича аниқ таклифларни киритсин.

Бунда камбағаллик реестридаги **1854 нафар “қизил тоифа”даги оилаларга** вилоят ҳокими ва ўринбосарлари, вилоятдаги йирик бошқармалар, ташкилотлар, туман (шаҳар) ҳокимлари ва ўринбосарлари, прокуратура, ички ишлар, солиқ идоралари раҳбарларини бириктирилишига алоҳида эътибор қаратилсин.

9. Вилоятдаги камбағал оилалар ва ишсизлик юқори бўлган ҳудудларга бириктирилган **йирик корхоналар** (“Навоий Кон-металлургия комбинати” АЖ, “Навоийазот” АЖ, “Навоийуран” ДК, “Қизилқумцемент” АЖ, “Навоий ИЭС” АЖ) раҳбарлари **жорий йилнинг 1 июлига қадар** ўзлари масъул бўлган камбағаллик реестридаги камбағал оилаларни камбағалликдан чиқариш чора-тадбирларини кўрсин.

Вилоят Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бошқармаси (**Хайруллаев**) Ижтимоий ҳимоя агентлигининг вилоят бошқармаси (**Ражабов**) билан биргаликда юқоридаги бандда берилган топшириқ ижросининг ҳаққонийлигини ўрганиб, натижаси бўйича маълумотни вилоят ҳокимлигининг **кейинги аппарат йиғилиши муҳокамасига** киритсин.

10. Шаҳар, туман ҳокимлари “Халқ қабулхоналари”да ўтказилаётган фуқаролар қабулида кўтарилган ҳар бир масалани назоратга олиб, масалаларга ижобий ечим топилишини, мурожаатчиларга жавобларни кечиктирмасдан юборилишини, ижрочилар томонидан сансоларликга йўл қўйилмаслиги, жавобларни асоссиз чўзиб юборилмаслигини **кунлик назоратга** олсин.

Вилоят ҳокимлигининг масъул ходимлари (**Абдуазизов, Сайфиддинов, Ҳасанов**) ҳудудларда “Халқ қабулхоналари”га келиб тушаётган мурожаатларни ҳал этилиши бўйича олиб борилаётган ишларнинг ҳаққонийлигини ўрганиб, натижаси бўйича маълумотни вилоят ҳокимлигининг **кейинги аппарат йиғилиши муҳокамасига** киритсин.

Назорати **Э.Авезовга**.

11. Вилоят ҳокимининг ўринбосари (Ғаффоров):

Иқтисодиёт ва молия бошқармаси (**Раҳмонов**), тегишли туман (шаҳар) ҳокимлари билан биргаликда хизматлар соҳасини ривожлантириш бўйича дастурлардаги ишга туширилиши кечикаётган 32 та, кредит ажратилиши чўзилаётган 50 та, инфратузилмага уланиш муаммоси билан боғлиқ 9 та лойиҳалардаги муаммоларни ҳал қилиш бўйича **шахсан шуғулланиб**, кунлик ишларни назоратга олсин;

ҳудудлардаги имкониятлардан келиб чиқиб, **янги хизмат кўрсатиш лойиҳаларини** шакллантириб, уларни белгиланган муддатларда ишга туширилиши бўйича **кунлик мониторинг** тизимини йўлга қўйсин;

Навбаҳор тумани ҳокими (**Ўроқов**) билан биргаликда **уч кун муддатда** Навбаҳор тумани “Пахтакор” МФЙ ҳудудидан ўтувчи М-379 автомобиль йўли бўйида ташкил этилаётган 79 та хизмат кўрсатиш лойиҳалари ташаббускорлари билан учрашиб, уларнинг муаммоларини ҳал қилиш ва лойиҳаларни ишга тушириш чора-тадбирларини кўрсин.

12. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (Сулаймонов), Иқтисодиёт ва молия бошқармаси (**Раҳмонов**), “Ягона буюртмачи хизмати” ДУК (**Турдиев**) **бир ҳафта муддатда** “Зарбдор тажрибаси” асосида йўлга қўйилаётган “драйвер лойиҳалар”нинг 8 тасини пудратчиси аниқланиши ва лойиҳаларда амалий ишлар бошланишини ташкил қилсин.

13. Вилоят ҳокимлигининг кейинги аппарат йиғилишида шаҳар, туман ҳокимларининг ташаббуси билан амалга оширилиши белгиланган **23 та янги лойиҳалар ҳамда қўшимча янги ташаббусларни** аниқлаш бўйича олиб бораётган ишлари юзасидан ҳисоботлари эшитилиши белгилаб қўйилсин.

Назорати **Б.Раҳмоновга**.

14. Зарафшон (**Раҳманов**) ва Навоий (**Эргашев**) шаҳарлари, Нурота (**Файзиев**), Хатирчи (**Адизов**), Қизилтепа (**Бобомуродов**) туманлари ҳокимларининг имтиёзли муаммоли кредитларни сўндириш бўйича олиб бораётган ишлари қоникарсиз эканлиги кўрсатиб ўтилсин.

Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (**Сулаймонов**), Марказий банкнинг вилоят бошқармаси (**Пардаев**), тижорат банклари раҳбарлари, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бошқармаси (**Хайруллаев**), шаҳар, туман ҳокимлари 89,5 млрд сўмлик **имтиёзли муаммоли кредитларни сўндирилиши** бўйича **кунлик ишларни** ташкил қилиб, сўров ва назорат тизимини жадаллаштирсин.

15. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (**Сулаймонов**), Давлат активларини бошқариш агентлигининг вилоят бошқармаси (**Атажанов**), шаҳар, туман ҳокимликлари давлат активлари ва ер участкаларини аукцион савдоларида сотилиши ҳамда ютиб олинган бинолар ва ерлардан самарали фойдаланиши бўйича алоҳида назорат ўрнатиб, амалга оширилаётган ишлар тўғрисида **ҳар уч кунда** вилоят ҳокимига ахборот бериб борсин.

16. Вилоят ҳокимининг ўринбосари (**Ҳикматов**):

Ўрмон хўжалиги бошқармаси (**Жумаев**) билан биргаликда ўрмон хўжалигига тегишли 4,0 минг гектар ерларни аҳолига озик-овқат ва озуқа экинлари экиш учун аукцион савдоларига чиқариш масаласи бўйича республика Ўрмон хўжалиги агентлиги билан ҳамкорликда ишларни ташкил қилиб, натижаси бўйича **беш кун муддатда** ахборот берсин;

туман (шаҳар) ҳокимлари билан биргаликда **бир ҳафта муддатда** чорвачиликни ривожлантириш бўйича **127 та янги лойиҳаларни** шакллантириб, лойиҳа ташаббускорлари ва тижорат банклари билан ҳамкорликда “тармоқ жадваллари” ишлаб чиқилишини ташкил қилсин.

17. Вилоят ҳокимининг ўринбосари (**Ходжаев**):

Ижтимоий ҳимоя агентлигининг вилоят бошқармаси (**Ражабов**), туманлар ҳокимлари билан биргаликда камбағаллик реестридаги оилаларга ғалладан бўшаган майдонларда такрорий экин экишлари учун ер майдонларини ажратиб берилишини, уруғлик, шудгорлаш масалалари бўйича муаммоси бор фуқароларга амалий ёрдам бериш ишларини ташкил қилсин;

вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси (**Сафоев**), Мактабгача ва мактаб таълими бошқармаси (**Ҳайитова**), туман (шаҳар) ҳокимлари билан биргаликда тиббиёт ва таълимда “**долзарб 90 кунлик**” тадбирларида белгиланган вазифаларни тўлиқ ижро этилиши, муаммоларни ҳал қилиб борилишини шахсан назорати остида бажарилишини таъминласин.

Вилоят Телерадиокомпанияси (**Муқимов**)га “Тиббиёт ва таълимда 90 кунлик ўзгаришлар вақти” бўйича ҳар бир туман (шаҳар)да амалга оширилган ишларни кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

18. Маҳаллалар уюшмасининг вилоят бошқармаси (Алиев) танлаб олинган кўчалардаги барча хонадонларда (328 та) “қуёш панеллари” тўлиқ ўрнатилишини ташкил қилиб, олиб борилаётган ишлар тўғрисида **кунлик** маълумот киритиб борсин.

19. Вилоят ҳокимлигининг кейинги аппарат йиғилишида шаҳар, туман ҳокимларининг Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳбарлигида жорий йилнинг 16 июнида ўтказилган йиғилишда берилган топшириқлардан келиб чиқиб **“янги тизим асосида”** ишларни ташкил қилиш юзасидан олиб бораётган фаолиятлари тўғрисида ҳисоботлари эшитилиши белгилаб қўйилсин.

20. Шаҳар, туман ҳокимлари, прокуратура департаментининг вилоят бошқармаси (**Рўзиев**) бозорларда нархларнинг сунъий ошиб кетмаслиги, айниқса гўшт, сут, парранда гўшти, тухум маҳсулотлари нархлари барқарорлигини таъминлаш бўйича зарурий чора-тадбирларни кўриб борсин.

21. Мазкур йиғилиш баённомаси ижро назоратини ўз зиммамда қолдириб, мониторингини олиб бориш Ташкилий-кадрлар гуруҳи (Авезов), Ахборот-таҳлил гуруҳи (Бобомуродов) ва Ижро интизоми назорати бўлими (Намозов) зиммасига юклансин.

Баёнлаштирди



Ф.Эшбоев